



СЕРВАНТЕС

ДОН КИХОТ САРГУЗАШТАРИ



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1990

Редколлегия:

Ҳаким Назир
Анвар Обиджон
Фарҳод Мусаҷонов
Қуддус Муҳаммадий
Раим Фарҳодий
Пўлат Мўмин
Эргаш Раимов
Худойберди Тўхтабоев
Носир Фозилов

Рассом В. АПУХТИН

Сўзбоши муаллифи
НАВИЖОН БОҚИЙ

Б. М. ЭНГЕЛЬГАРДТ
болалар учун қайта ишлаган

Русчадан *СОТИБОЛДИ ИУЛДОШЕВ* таржимаси

Сервантес Сааверда, Мигель де.

Дон Кихот: Роман/Сўзбоши муаллифи Н. Боқий; Русчадан С. Иўлдошев тарж.— Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1990.— 432 б.— (Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси/Редкол.: Ҳ. Назир ва бошқ.).

Буюк испан ёзувчиси Сервантеснинг 1605 йилда босилган «Дон Кихот» асари жаҳон адабиёти хазинасини бойитган нодир асарлардан бири бўлиб қолди. Сервантес яратган Дон Кихот образи мавжуд ҳаётдан ажралган, асоссиз хаёллар гирдобида гаройиб саргузаштлар кечирган баландпарвоз, телба шоввоз бир шахс бўлса, унинг яроқбардори Санчо Панса эса ўз хўжасининг марҳамати туфайли бадавлат бўлиб олиш орзусидаги соддамуғамбир кимса образидир. Асар испан халқининг ўтмишдаги ҳаёт лавҳалари, урф-одатлари етуқ маҳорат билан, турмушдаги лақ-малик, нодонлик, фирибгарлик каби иллатлари ўткир ҳажв тиғи билан тасвирланади.

Сервантес Сааверда, Мигель де. Дон Кихот: Роман.

И(Исп)

47030101000—155

С _____ Доп.—90
М352-(04)-90

ISBN 5-635-00605-1

ва таълимотининг қарор тоштирилмайсан, фақат собит эътиқодинг учун жисми жонингни куйдириб, кул қилишларига рози бўлсангизга ўз таълимотининг қарор тоштирининг мумкин. (Себастьян Кастеллино, «Кальвиннинг китобларига риддия...», 1554 йил.)

Асли, ерут дунёга келишининг ўзи ҳам улуг саодат, табиатнинг инояти, марҳаматидур. Инсон зоти дунё азиямининг қайси бурчагида ва қачон тугилишидан қатъи назар, уни доя кампирдан ҳам аввалроқ БАХТ йўрғаклаб олади, БАХТ гўдакни тегатар қилади, авайлаб асрайди, беғубор бир даврни — болаликни ҳада этади. Волалик — беғубор давр. Шубҳасизки, Мигель ҳам тупроғи кўпчиб турган кўчаларда югуриб-елган, уст-бошини чағ-тўзонга белаган, тенг-тўшлари билан ёнғоқ талашибми, олма талашибми муштлашган, ёқавайрон бўлган, бурни қонаган ва ҳоказо. Ҳатто сизу бизга ўхшаб ҳар йили биттадан кучук асраб олган бўлиши ҳам мумкин, кучугининг кулогини, думини кесган бўлса-да, ажаб эмас. Балки, суюб-суюб тарбиялаётган кучугини кўшни маҳалла болаларидан бирортаси ўғирлаб кетган чоқларда тунларни бедор ўтказгандир, онасининг пинжига кириб олиб, юмю йиғлагандир?.. Эҳтимол, отаси унга хўтик совға қилгандир? Тойчоқ ёки кўзи-чоқ олиб берган бўлса не тонг!

Бора-бора бу қадим ҳаёт ҳар қандай асов болани ҳам ўз мақомига солиб йўрғалата бошлайди. Сервантеслар оиласи тирикчилик кўйида Вальядолид шаҳарчасига кўчиб ўтади. Ун яшар Мигель католик роҳиблар тайёрлайдиган эски мактабга жойланади: саводи чиққач, ижтимоий фанлар ўқитиладиган синфга ўтказилади. Чамаси, Мигелни диний мактабда ўқишга берилишига асосий сабаб — у камбағалларнинг болаларига мўлжалланган, харажати камроқ «илм ўчоғи» бўлса керак. Чунки Сервантеслар оиласи очин-тўқин ҳаёт кечирарди, болаларини ўқитиш учун алоҳида маблағ ажрата олмасди. Хуллас, Мигель тўрт йил мобайнида «бошланғич синфлар»да тахсил кўради.

1561 йили оила Мадридга кўчади. Мигель хусусий мактабларда сабоқ олишни давом эттиради. Чунончи, ўз замонасининг машҳур маърифатпарвар кишиларидан бўлмиш Хуан ЛОПЕС ДЕ Ойос ташкил этган мактабда ўқийди. 1564 йили улар Севилья шаҳрига кўчиб борадилар. Онаси бу ерда табиблик билан шуғулланади, дўкон очади. Лекин кўп ўтмай, бозори касод бўлади, инқирозга юз тутаети. Шундан кейин улар 1566 йили узил-кесил Мадридга қайтиб кетишади (шу пайтлари Испания қиролининг пойтахти ҳам Мадридга кўчирилган эди). Сервантеслар оиласи ҳеч қачон чорвачилик билан шуғулланмаган бўлса-да, лекин уларни шартли равишда «кўчманчилар» деб аташ мумкин.

Мигель ўсмирлик чоғларида китобдан бош кўтармасди, у кечасию кундузи фақат мутолаа билан машғул бўларди. У ўн тўққиз ёшида ёзган сонет сақланиб қолган. Сонетнинг шу пайтгача сақланиб қолишига сабаб — унинг ёрқин истеъдод соҳиби қаламинга мансублигида эмас, бу сонет ўртамеёна «мадҳия», холос. Сабаби бошқа томонда: бу сонет ўша пайтлардаги Испания қироли Иккинчи Филиппнинг учинчи хотини бўлмиш қиролича Исабеллага бағишланган. Тақдир ҳазилини кўрингки, Сервантес шеър бағишлагандан сўнг, орадан икки йил ўтар-ўтмас, 1568 йили Исабелла тўсатдан вафот этадию 1569 йилда «Испаниянинг шавкатли қироличаси Исабелла хоним касаллигининг ҳақиқий тарихи, оромбахш ўлими ва тантанали дафн маросими» номли анъанавий мажмуа чоп этилади. Бу тўпلامга барча мадҳия шеърлар қаторида Сервантеснинг «Кастилиялик хоним-олим» сонети ҳам киритилган эди. Равшанки, мадҳия ёзиш учун истеъдод соҳиби бўлиш шарт эмас. Албатта, биз Сервантесни маддоҳликда айбламоқчи эмасмиз. Сўзсиз, у ватанпарвар бўлган, ватанларварлик туфайли ўз мамлакатининг қироличасига сонет бағишлаган. Вундан ташқари, Исабелла ёшгина жувон эди, Сервантесга деярли тенгдош эди. Боз устига, Исабелла Испания тахтининг ягона меросхўри эди; Иккинчи Филипп тахтнинг қонуний вориси бўлиш учун ўзининг жиниғига — Исабеллага уйланади, ammo бу никоҳни Рим папаси қонунсиз деб топади. Охир-оқибатда Исабелла тўсатдан вафот этадию Сервантеснинг тасодифан ёзган сонети Испания тарихи саҳифасидан жой олади. Дарвоқе, «Исабелланинг... ҳақиқий тарихи» босилиб чиққан пайтда Мигель Сервантес Испания сарҳадларини тарк этган эди: у 1569 йили Италияга жўнаб кетаети ва то 1575 йилга қадар хориждаги Испания армияси сафида хизмат қилади.

Сервантес нима учун Испанияни тарк этди? Мутахассисларнинг фикрича, у оиласини муҳтожлардан кутқариш аҳд қилди. Уша пайтларда Испания қиролиги билан Венеция жумҳурияти ўзаро иттифоқ тузиб, туркларни Урта Ер денги-

зи ҳавзасидан суриб чиқаришга тайёргарлик кўрарди — бўлажак жангу-жадалларга аскарлар ёлланарди. Маълумки, ёлланма аскарлар асосан босиб олинган юртларни талон-тарож қиларди, кўлига илинган буюмни қолчигига тикарди. Бу ҳақда Учинчи Филипп саройида Венеция элчиси бўлиб турган Франческо Соранцо (1597-1602) ўз ҳукуматига қуйидагиларни маълум қилган эди: «Бугун дунёни зир титратган испан кўшинида қадимий жанговар интизом пугурдан кетаётгани кўзга ташланяпти. Ҳарбий бурчга калопдимоголик билан қарайдиган испан аскарларининг фикрига кўра, ғалаба ўз ҳолича бир пулга қиммат. Улар бениҳоя тубанлашиб кетганлар, гурур нима эканини аллақачон эсларидан чиқариб жойиришган... Босиб олинган Италия ерларида ғала-ғала аскарларнинг оёғи етган жойлар хонавайрон бўлмоқда. Чунки аскарлар талаб кетишяпти, хароб қилишяпти, ўмаришяпти, ташиб кетишяпти, камбағалларнинг мулки барбод этиляпти: улар бу ўлкаларга жулдувроқи аҳволда, оч-наҳор кириб келишадик уст-бошларни бутлаб, сўқимга боқилган ҳўкиздай семирдишиб чиқиб кетадилар» (К.И.Державин, «Сервантес», М. 1958 й. 22-бет). Кўриниб турибдики, босқинчилик эзилган халқларга доим кулфат келтирган, холос. Яна бир нарсга аҳамият бериш лозимки, ўша пайтлари Венеция жумҳурияги Испания билан иттифоқдош эди. Бу гапларни Мигель де Сервантесга — бўлажак ёзувчига нечоғлик алоқаси бор, деган савол тугилади. Алоқаси шундан иборатки, Сервантес ҳам юқорида «таърифланган» кўшиннинг битта вакили эди. Зеро, «инсон бир жамиятда яшаб туриб, шу жамият заминидан узилиб кетолмайди» (В. И. Ленин). Албатта, Сервантес виждонан азобланган бўлиши мумкин, у «камбағалнинг ўғрилardan қолган молига» (А.Орипов ибораси) кўз олайтирмаган бўлиши мумкин. Лекин унинг ватандошлари, сафдошлари ҳар қандай тубанликдан ҳам жирканмагани-да ҳақиқатдир. Ҳали халқаро ахлоқ қоидалари тўла-тўқис шаклланмаган даврдаги «тарихий манзаралар» шундай эди: турклар, араблар Оврўпони истило қиларди, оврўполиклар эса «ғайридинлар»нинг (яъни, мусулмонларнинг) додини бериб, юртларини талаб қайтардилар; дунёнинг икки жавҳари — Шарқу Ғарб бир-бирининг кўзига чўп тикишу қон тўкиш билан овора эди. Бу кўҳна тарих, афсуски, фақат «синфий курашлар тарихидан»гина иборат эмас. Тўғри, эътиқодлар кураши ҳам асрлар давомида инсоният умрини зғолаган, емирган. Аммо тарихнинг энг қонли саҳифаларини манфаатлар кураши ташкил этади. Манфаатпараст гуруҳлар халқларни бир-бирига қарши гиж-гижлайди, уруш оловини ёқадилар ва ўзлари ўша олов шуъласида тобланиб ётадилар, кабобхўрлик қиладилар, бўзахўрлик қиладилар, фаҳшга муккасидан кетадилар. Ажабки, «айнан шафқатсиз йўсинда искирт дунё қарашини бировларнинг онгига сингдирмоқчи бўладиган кишилар жиззакчи бўладилар, уларнинг сиркаси сув кўтармайди» (Стефан Цвейг).

Қисқаси, Сервантеснинг хорижий мамлакатлардаги ҳаёти қалтис тарихий шайроитга тўғри келади. Шу ўринда ёзувчининг таржimai холига муурожаат қиладиган, адабиётшуносларнинг назаридан четда қолмайдиган битта мунозарали «оқ доғ» хусусида индамай ўтсак инсофдан бўлмас.

Машҳур сервантесшунос олим Р.М.Менендес «Дон Кихот» романининг яратилиш тарихига бағишланган мақолаларининг бирини шундай ёзади: «...дон Педро Торрельяс билан дон Херонимо де Анса ўртасида 1522 йили Вальядолид шаҳарчасида содир бўлган машҳур дуэль ҳақиқатан ҳам Испаниядаги энг сўнгги дуэль бўлди». («Сервантес и всемирная литература», М., — «Наука» нашриети, 1969 й., 259-бет.) Аслида, олим роман яратилган пайтлари «рицарлик даври» ўтмиш мулкига айланиб қолган эди, демоқчи. Бу фикрга кўшилиш мумкин: дарҳақиқат «салб юришлар» у «Олга!» дейилса — бас, дарров отга миниб, жангга кириб кетаверадиган тентакнамо аскарлар даври аллақачон ўтиб кетган эди. Лекин ондaсонда бўлса-да, «рицарлик дарди»га мубтало бўлган овсарлар учраб турарди. Жумладан, шоввоз рицарлар ўйлаб топган яккама-якка олишув (дуэль) ҳам пинҳоний равишда рўй бераверарди. Масалан, Мадрид полиция ҳукумати томонидан 1569 йил 15 сентябрь куни эълон қилган буйруққа биноан Алонса де Сигура номи кимсани яккама-якка олишувда ўлдирган Мигель де Сервантеснинг ўнг қўли чопиб ташланиши ва 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиши даркор эди. Балки, ушбу факт Р.М.Менендес ҳаётлик чоғида номаълум бўлгандир?.. Билмадик. Аммо, «факт қайсар бўлади» — ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Ҳақиқат шундан иборатки, Мигель де Сервантес Сааведра хорижга жўнаб кетиши арафасида Мадридда мудҳиш ҳодиса рўй берган. Хўш, полиция ҳужжатида қайд

этилган «Мигель де Сервантес» ким эди?.. Ҳозирча бу саволга аниқ жавоб топилгани йўқ. Фақат ана шу воқеа содир бўлгандан кейин Сервантеснинг хорижга кетиши кишида шубҳа уйғотади, холос. Тахминларга кўра, «ўн қўли чопилиши лозим» бўлган жиноятчи бўлажак ёзувчининг «отдоши» бўлиши мумкин, унинг чет элга жўнаб кетиш вақти ҳам мутлақо тасодифан ўша кўнгилсиз воқеа содир бўлган паллага мос келиб қолган. Эҳтимол, шундайдир. Бу ҳақда ёзувчининг архивида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Демак, «Сервантес қўрққанидан чет элга қочиб кетган экан», деган шубҳа ўринсиз, албатта.

Испания қироли Иккинчи Филиппга кўплаб садоқатли аскарлар керак эди. Чунки Урта Ер денгизини осийликлар ихтиёрига топшириб бўлмасди: Урта Ер денгизи Баҳри Муҳитга чиқиладиган ягона сув йўли ҳисобланарди, Баҳри Муҳит эса ҳаёт-мамонт масаласи эди.

1570 йили турк эскадрили Урта Ер денгизидagi Кипр оролининг муҳим маъмурий марказларидан бири бўлмиш Никозия шаҳрини босиб олади; 1571 йил 1 август куни эса Кипрнинг пойтахти, асосий бандаргоҳи Фамагуст шаҳри турк қўшинига таслим бўлади. Зудлик билан туркларга қарши иттифоқ тузилади: Рим папаси, Иккинчи Филипп, Венеция ҳукумати «бир ёқадан бош чиқаради». Бешинчи Карлнинг ўғай ўғли дон Хуан Австрийский бирлашган қуроли кучларининг «Муқаддас иттифоқ» ҳарбий-денгиз флотига қўмондон этиб тайинланади. «Муқаддас иттифоқ» таркибига 280 га яқин жанговар кема ҳамда италиян, испан ва бошқа миллат вакилларига мансуб йигирма тўрт миң аскар бор эди. Сервантес ўз ротаси билан кўп эшакли кемада («Маркиза») жангга киради. 7 октябрь тонгида Коринф кўрфазига кираверишда рақиблар флоти юзма-юз келиб қоладиқ қонли жанг бошланади: турк денгизчиларига Али пошшо (генерал) қўмондонлик қилади. Ҳар икки томон ҳам жуда катта талфот кўради. Лекин турклар мадад кучларидан узилиб қолганликлари туфайли... мағлубиятга учрашга муваффақ бўладилар. Шу жангда Сервантес икки марта яраланади, чап елкасига ўқ тегади — унинг жароҳати оғир эди, нагжада чап қўли фалаж бўлиб қолади: умр бўйи чап қўли ишламайди. Кейин у 1572 йилнинг охиригача ҳарбий касалхонада даволанади, ҳарбий қисмларнинг таъминот бўлимларида хизмат қилади. Ниҳоят, 1575 йили ҳарбий хизматдан истеъфога чиқиб, ватанига қайтишга аҳд қилади. 20 сентябрь куни «Қуёш» номли кўп эшакли кемасида Неаполь соҳилларидан ўз юртига жўнайдди. Кема французлар тасарруфидagi қироқлар бўйлаб Барселона томон йўл олади. Афеуски, Марселла яқинлашган пайтлари — Учқиз Мария бурунида уларни жазоирлик Доли Мами бошчилигидаги денгиз қароқчилари тутиб оладилар ва барча тутқунлар Жазоирга жўнатилади. Сервантес беш йил мобайнида асирликда, жудодикда оч-наҳор, юпун ҳаёт кечиршига маҳкум этилади. 1580 йил 19 сентябрь куни, қароқчиларнинг шартига мувофиқ, беш юз пошшойи танга эвазига Сервантес озодликка чиқади.

1584 йилда ўттиз етти яшар Мигель де Сервантес ўн тўққиз яшар Каталина исмли қизга уйланади. 1585 йили Сервантеснинг кекса отаси вафот этади. Катта оила ташвишлари энди Мигелнинг зиммасига тушади. Шунинг учун у мўмайроқ пул топиш илинжида Севильяга боради. Келаси йили эса Сервантес бу шаҳарда узоқ муддат яшашга қарор қилади ва хотинини қайнотасига топшириб (қўйди-чики бўлмайдилар, фақат бошқа-бошқа жойда яшайдилар, холос), бир ўзи Андалусиянинг пойтахтига — Севильяга кўчиб кетади. Опа-сингиллари Мадрида қолади. Сервантес у ерда ўн беш йил яшайди.

XVI аср охирларидаги Севилья ҳақида Сервантеснинг замондошларидан бири куйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган:

«Бу ердаги маъмурий бошқармада ҳеч қанақа тартиб-интизом йўқ, ҳақиқат анқонинг уруғи, худодан кўрқинмайди, ҳалол кишиларни кундузи чирок ёқиб ҳам топиб бўлмайди, пора бермаган одам икки дунёда ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилолмайди, солиқдан тушган маблагнинг ёки бир йиллик даромадининг ўндан бир қисми тегшили амалдорга узатиладиган, ўз ер-мулкиннга ҳам хўжайинлик қилолмайсан: ҳеч ким ўз бурчини рисоладагидай бажармайди, ҳеч ким ўзи бажариши лозим бўлган иш билан шуғулланмайди: ҳамма «ўлик мол»га ўхшайди — ё сотилади, ёки сотиб олинади... Тижорат аҳли ўғрилари чайқовчилардан иборат... Ҳар ким ўз улушини юлиб олишга тиришади. Камбағаллар қашшоқлик қомида димикиб ётишбди, очкўз бойлар эса ҳирси-нафсини қондиролмай халак» (Мигель де Сервантес, «Ибратли қиссалар», М., «Художественная литература» нашриёти, 1982 й., 8-бет).

Сервантес ана шундай чиркин муҳитда беш йил умргузаронлик қилади: тиркичиликнинг турфа хил кўчаларига кириб-чиқади — ғалла йиғувчи, бокиманда кишилардан солиқ тўловчи бўлиб хизмат қилади. 1597 йили тухмагга учраб қамалади. Кейин қамокдан озод қилинади. Кейин яна қамалади. Хуллас, уч марта ҳибсга олинади ва дўстлари уни уч марта қутқариб олишади.

Улуғ рус таъқиқчиси В. Г. Белинский: «Жамият даҳо фарзандига асрлар бўйи ҳомиладор бўлиб юради», деган эди. Шубҳасиз, Мигель де Сервантес испан халқининг даҳо фарзанди. Чунки у бутун ижоди мисолида, айниқса, «Ламаңчилик дон Кихот» романи тимсолида испан тилининг камолини, бойлигини кўрсатди, бу тилда ўлмас бадий асарлар яратиш мумкин эканини исботлаб берди. Маълумки, Уйғонинг даврида Оврўпада миллий тилларнинг адабий тил сифатидаги ҳуқуқини қарор топтириш учун кураш бошланади. Бу курашга машҳур италян шоири А. Дантенинг «Халқ нутқи ҳақида» номли рисоласи туртки бериб юборади: у миллиятдош ёзувчиларни италян тилида бадий асарлар яратишга чақиради. 1536 йили Ферман де Оливейр илк бора «Португал тили грамматикаси»ни нашр эттиради, 1549 йилда эса дю Белле «Француз тилини ҳимоя қиламан ва шарафлайман» номли илмий асар ёзади, француз тили адабий тил бўлиши учун барча филолатларга эга эканини исботлаб беради. Ҳаётдан равшанки, муайян тилнинг тила-тўқис шаклланишини кўрсатиш учун ёки унинг шаклланиш жараёнини тезлаштириш учун фақат илмий асарларгина kifоя қилмайди. Бунинг учун рад этиб бўлмайдиган «ашёвий далил» керак. Чунончи, муайян миллий тилда тўлақонли бадий асар яратилиши лозим. Худди шу маънода Сервантеснинг хизматлари беқиёсдир: Испания иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутган бўлса-да, лекин испан тили навқирон эканини бу тилнинг, бу тилда яратиладиган дурдона асарларнинг умри боқий эканини бутун жаҳонга намоён этди. Бу ҳақда Сервантес ўзининг «Ибротли қиссалар»ига ёзган «сўзбоши»сида шундай дейди: «...бундан ташқари, менимча (аслида, ҳақиқатдан ҳам бор гап — шу, кастилья тилида) (испан тилининг эскича номи; худди ўзбек тили ҳам ўтган асрнинг охириларигача «турк тили» ёки «чигатой тил» деб юритилгани каби — изоҳ бизники: Н.Б.) биринчи бўлиб қиссалар ёза бошлаган зоти муқаррам камина бўладилар; негаки, шу пайтгача бизда нашр этиладиган сон-саносиз қиссалар хорижий тиллардан таржима қилинарди. Менинг қиссаларим эса ўзимнинг хусусий мулкимдир; асарларим ёзилиши жараёнида ҳеч кимга тақлид қилмаганман, бировдан қарзим ҳам йўқ: улар менинг қалбимда тутилган, уларни менинг қаламим дунёга келтирган. Энди улар нашриёт дастгоҳлари қучоғида ўсиб-улғайиши, ўзларидан ўзлари кўпайиши лозим».

Дунёда машҳур ёзувчилар жуда кўп, лекин ҳар қандай машҳур ёзувчининг битта-йу битта машҳур асари — китоби бўлади. Одатда, адабиётчилар бундай асарни «умр китоби» дейдилар. Биров «умр китоби»ни ёшлик чоғида ёзади, яна биров эса ўрта ёшлик пайтида умрбоқий асар яратади. Масалан, атоқли немис ёзувчиси Томас Манн «умр китоби» бўлмиш «Будденброклар» романини йигирма тўрт ёшида ёзган. Камдан-кам ҳолларда эса ёзувчи кексалик пайтида «умр китоби»га нуқта қўяди. Мигель де Сервантес шу маънода камёб ёзувчилар сирасига киради: у умрининг сўнгги палласини «Дон Кихот» романига бағишлаган эди; романнинг биринчи қисми 1605 йили нашр этилади, иккинчи қисми 1615 йилда босмадан чиқади, орадан бир йил ўтгач, ёзувчи вафот этади.

«Дон Кихот» романи яратилганига чоракан тўрт юз йил бўлди. Агар шу пайтгача бу романни мутолаа қилган ва бу романдан завқланган китобхонларни бошма-бош ҳисоблаб чиқишнинг имкони бўлса борми, уларнинг сони ҳозир бутун Ер юзига мавжуд бўлган аҳоли миқдоридан ҳам ошиб кетган бўларди. Ишонмайсизми? Мана бўлмасам, қуйидаги рақамларни ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб кўринг: XV III асрда Англияда «Дон Кихот» тўрт марта испан тилида ва йигирма тўрт марта инглиз тилида қайта-қайта нашр этилган. Рус ўқувчилари 1769 йилдаёқ «Дон Кихот» романидан баҳраманд бўлганлар. Бундан ташқари, романдан оврўполик турли диний оқимлар, сийёсий йўналишдаги гуруҳлар «қалқон» сифатида ўз ғояларини халқ онгига сингдирадиган восита, ғоявий қурол тариқасида фойдаланганлар, яъни «Дон Кихот»дан кўчирмалар келтиришиб, ўзлари илгари сураётган «програма»ларнинг тўғри эканини исботлашга уринганлар, Сервантеснинг халқ орасидаги обрў-эътиборидан усталик билан фойдаланганлар. Шу тарзда «Дон Кихот» романи аҳолининг ҳар хил табақалари ўртасида тарғиб қилинган. Қизиғи шундаки, баъзан машҳур ёзувчилар ҳам ўзларининг ижодий принципларини «Дон

Кихот» га суянган ҳолда ҳимоя қилганлар. Жумладан, аслида «Том Сойернинг саргузаштлари», «Гекльберри Финнинг саргузаштлари» каби романтик руҳдаги асарлар муаллифи бўлса-да, бироқ Америка адабиётида мавжуд бўлган романтик оқимга қарши кескин курашлар олиб борган ва реализмнинг қарор топишини жон-дилидан истаган гаройиб ёзувчи Марк Твен Сервантес тасвирлаган ҳаққониятни Вальтер Скотт, Фенимор Купер каби романтик ёзувчилар «тўкиб чиқарган уйдирмалар» га қарама-қарши қўяди: «Ажаб ҳол» битта китобнинг ўқувчига яхши ёки ёмон таъсир этиши мумкинлиги «Дон Кихот» ва «Айвенго» мисолида яққол кўринади. Биринчиси Урта асрлардан қолган рицарлик сафсаталарни ер юзидан супуриб ташлади, иккинчиси эса ўлда танта-навор сафсаталарни яна қайта тирилтирди. Бизнинг Жанубий вилоятларимиз хусусида айтиш мумкинки, Вальтер Скоттнинг фалокат асарлари шу қадар силлани қуритганки, Сервантеснинг баракали таъсири бу ерда фақат ўлик ҳарфларни англатади, холос» (Марк Твен. Танланган асарлар, 4-жилд, 541-бет, М., 1960 й.).

Француз адабиётининг атоқли намояндаси Проспер Мериме ҳам дафъатан «Дон Кихот» романини баҳолашга истиҳола қилган эди. У 1869 йил 3 сентябрь кунини (умрининг охирларида) И.С.Тургеневга ёзган мактубда айнан шу масалада маслаҳат сўрайди: «Бу китобнинг зўр муваффақиятини бир четга қўйиб турайлик, лекин унинг аҳамияти ҳақида сира бош қотириб кўрганмисиз? Асар услуби ҳар қандай таърифдан юқори туради, лекин уни муносиб баҳолаш учун испан тилини билиш зарур. Бу китобда уйдирма унчалик кўп эмас. Аслини олганда, бу дунёда савдойининг ўй-хаёлларию ишидан ҳам ғамгинроқ ҳеч нарса бўлмаса керак. Шўрлик савдойини эрмак қиладиган одамлар — герцог, герцогиня, Альтисидора — ҳуллас, уларнинг барчаси кўрқинчли жамоатдир. Хўш, нима учун мана шуларнинг ҳаммаси менга манзур бўлади? Шундай саволга бир неча кундан буён жавоб изляянман-у, лекин тополмайман. Мен шу ҳақда сиз билан маслаҳатлашиб олишни жуда-жуда истайман».

Одатда, Дон Кихот — соғ эмас, у тентак, Санчо Панча эса ўша тентакнинг жўраси, дейдилар. Бир қарашда, бундай гапларда жон бордай туюлади. Чунки роман қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари ҳар қандай соғ одамнинг ақлини шошириб қўяди. Шунинг учун ақли расо кишилар: «Ҳа энди, тентакларга бас келиб бўлармиди!» дейишиб, тескари бурилиб кетишлари турган гап. Аслида, Сервантес жўрттага қаҳрамонининг манглайига «тентаклик» нишонини ёпиштириб қўйган, холос. Ёзувчи шундай қилмаса бўлмасди, романини икки дунёда ҳам нашр этишмасди: қайтанга, ҳукумат одамлари шартта муаллифнинг ёқасидан олишардию: «Бизга ўшанақа одамни топиб берасан!» дейишиб, салкам олтимиз босма тобоқ ҳажмли романининг ҳар саҳифасига биттадан, жами ўн тўрт минг тўрт юзта (14400) «изоҳ» сўрашарди. Натижада Сервантес терговдан бўшмай қоларди. Сервантес эса ҳакамлар билан савол-жавоб қилавериб устаси фаранг бўлиб кетган эди, у томдан ташлаб юборилса ҳам ерга оёғи билан тушишни ўрганиб олган эди: маъмурларнинг тазйиқ-таъқибларига осонликча чап бериб кетиш мақсадида «Дон Кихот» да рўй берадиган барча воқеаларни атайлаб рицарлик романларидан кўчириб олинаётгандай ёлғондакам таассурот ўйотади ва калтабин маъмурларни доғда қолдиради. Афсуски, у бирварақайига ҳам бўлгуси адабиёт мутахассисларини, ҳам ўқувчиларини озиқтириб кетажagini асло хаёлига келтирмаган эди. Мана, энди «Дон Кихот» ни мутолаа қилган китобхон қаерда, қачон алданиб қолганини ўзим сезмайди. Бизнингча, «Дон Кихот» романи эрмакталаб, кўнгилхушлик учун китоб ўқийдиган талабаларга мўлжалланмаган, уни зийрак йигит-қизлару қилни қирқ ёрадиган китобхонлар мутолаа қилгани маъқул. Фақат ўшаларгина бу китобнинг асл қудратини ҳис эта оладилар, фақат ўшаларгина бу роман инсон ҳаётининг шайдолик мавсумига бағишланганини илғаб оладилар, идрок этадилар.

Дон Кихот — азоб-уқубатлар оша ҳормай-толмай эзгуликка интилаётган инсон тимсолидир, у Шайдолик Мавсумининг тирик ёдгорлигидир.

Сиз ҳам, қадрли ўқувчи, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган гаройиботлар оламига саёҳат арафасида турибсиз.

Сафарингиз бехатар ўтсин!

ДОН КИХОТ
САРГУЗАШТЛАРИ



1 БОБ

ЛАМАНЧЛИК ДОН КИХОТНИНГ КИМЛИГИ

Ламанч вилоятига қарашли жўнгина қишлоқчада дон Кехана деган идальго¹ яшарди. Бошқа дворянлар сингари у ҳам таг-тугли насаби билан фахрланар, алмисоқдан қолган қалқон билан аждодларидан мерос бўлиб келаётган найзани муқаддас қилиб асрарди, ҳовлисида қирчанғи оти ва този ити бор эди. Топган даромадининг тўртдан уч қисми кечки овқатга — сабзавотдан тайёрланадиган гўшти шўрва билан винегретга кетарди. Ҳар жума ёсмиқ ёвғонига қаноат қилиб кун кечирса, аммо якшанба кунлари қовурилган кабутар гўшти еб маза қиларди. Дон Кехана байрам кунлари нафис мовутдан тикилган чакмон, духоба шим, саҳтиён туфли кийса, бошқа кунларда хонаки дағал мовутдан тикилган костюмда юрарди. Унинг уйида ёши қирқлардан ошган экономка, ҳали йигирмага ҳам кирмаган қиз жияни ҳамда қариб мункиллаб қолган бир хизматкор яшарди. Идальгонинг ўзи эллик ёшларга бориб қолган, жуда озғин, эти суюяига ёпишиб кетган скелет нусха бир зот эди. Шу қашшоқлигига қарамай, жони қаттиқ, чидам-бардоши зўр одам эди.

Дон Кехана бўш вақтини, дарвоқе, кеча-кундуз бўш эди, рицарлар тавсиф қилинган китобларни ўқиб ўтказарди. Шу машғулотга тамом берилиб кетиб, у овни, хўжалик ишларини йиғиштириб қўйди. Унинг мутолаага ишқибозлиги шу даражага бориб етдики, рицарлар ҳақидаги китобларни олишга ернинг каттагина қисмини ўйламай-нетмай сотиб юборди.

«Ҳуқуқ — нафсониягимга нисбатан сиз қўллаган адолатсизлик мендаги одил ҳақиқатни шунчалик поймол қиладирким, бинобарин, мен сизнинг ноҳақлигингизга ҳақли равишда эътироз билдираман...» ёки «...порлоқ юлдузлари билан зоти илоҳийлигингизни камоли муқаррар этгувчи ва сизнинг муносиб улугворлигингизга борки иззат-икромларни раво кўргувчи етти қават осмони гумбаз...» сингари романларда кўп учрайдиган баландпарвоз севги мактублари ва яккама-якка олишувга тантанавор даъватлар бизнинг идальгога жуда ёқарди. Бечора кабальеро бундай ибораларнинг маъносини билиб олишга ти-

ришиб тунларни бедор ўтказар, пайдар-пай фикрлардан боши гангиб, кўз ўнгини туман босарди. Устига-устак севиб ўқийдиган романларида учрайверадиган галати, гайритабий ҳоллар ҳам бечорани довдиратиб қўярди. Чунончи, машҳур рицарь Бельяниснинг ўзгаларга даҳшатли зарбалар бериб, ўзи бениҳоя қаттиқ шикастланганлигига идальгонинг ақли шошарди, негаки, бу рицарни даволаган табибларнинг маҳорат ва кароматлари бўлганда ҳам, барибир, унинг юзи ва танаси чандиқ ҳамда даҳшатли ямоқлар билан қопланиб кетиши керак эди. Ваҳоланки, романда Бельянис ҳар доим бежирим, навқирон, қиличдек йигит тимсолида намоён бўларди.

Дарвоқе, шундай бўлса ҳам Дон Кехана романлардаги шавкатли қаҳрамонлар кечирган ажойиб-ғаройиб саргузаштлар ва улар кўрсатган жасоратларга маҳлиё бўлиб ўзини тамомила унутарди. Роман қаҳрамонларининг тақдири уни эргаштириб кетарди, борди-ю муаллиф китобнинг сўнгги саҳифасида бу туганмас воқеани келгуси китобда давом эттирмоқчи эканини айтса, унинг севинчи ичига сиғмасди. Кўпинча бизнинг кабальеро ботирликда англиялик Пальмерин ёки галлиялик Амадис² зўрми деган масала устида руҳоний дўсти билан узоқ-узоқ баҳслашиб қоларди. Дон Кехана Амадис зўр деса, руҳоний Пальмерин³ дерди; шу ерлик сартарош — уста Николас эса Амадис билан Пальмериннинг икковидан бирортаси ҳам рицарь Фебанинг олдида ип эшолмайди дерди. Николаснинг фикрича, Феба тантиқ Амадисдан ўзининг матонати билан устун эди.

Олижаноб идальго аста-секин ўқишга шундай берилиб кетдики, тонгдан оқшомгача, оқшомдан тонггача китобдан бош кўтармайдиган бўлиб қолди. У ҳамма ишини йиғиштириб қўйди, деярли ухлмасди, кўпинча овқат ейишни ҳам унутиб қўярди. Унинг бошида рицарь китобларидан ўқиган турли бемаъни қиссалар ғужғон ўйнади, ҳатто ўнгида ҳам қонли жанглар, рицарларнинг яккама-якка олишувлари, ошиқ-маъшуқларнинг учрашувлари, ўғирлаб кетишлар, ёвуз жодугарлар ва олижаноб сеҳргарларни тасаввур қилиб алаҳларди. У бора-бора ростни ёлғондан мутлақо фарқ қилолмай қолди, унинг назарида дунёда шу қиссаларда тасвирланган воқеалардан ўзга ҳақиқат йўқдай бўлиб қолди. У турли романларнинг қаҳрамонлари ҳақида шундай жўшқин гаплар айтардики, гўё бу қаҳрамонлар унинг энг яқин дўстлари ва танишлари эди.

У Сайд Руи Диаснинг⁴ олижаноб, шавкатли рицарлигига тап берарди-ю, лекин унинг бир уришда икки девни нимталлаган Зулфиқор деган рицарга етишига йўл бўлсин деб иловани қиларди. У Ронсеваль дарасида енгилмас Роланддан⁵ голиб келган Бернард де Карпиони анча юксак қўярди. У ўзининг илтифотлилиги ва хушмуомалалиги билан бошқа паҳлавонлардан мутлақо ажралиб турувчи Морганте полвон ҳақида ҳам жуда яхши фикрда эди. Лекин Муҳаммаднинг олтин санамини ўғирлашда донг таратган ва сон-саноксиз йўл саргузашт-

ларини бошдан кечирган қаҳрамон монтальбаниялик Рейналь-дони ҳаммадан кўп мактарди.

Бечора идальго тўрт девор ичидан чиқмай, тунлари ухламай нукул китоб ўқийвериб ахири бутунлай ақлден озди. Ана шунда жаҳонда ҳеч қайси телба-тентакнинг бошига келмаган хаёл бизнинг кабалеро миясини чулғаб олди—у жаҳонгашта рицарлар сафига киришни ҳам фарз, ҳам қарз деб билди. У, дон Кехана, ўз шони шуҳратини орттириш учун она юрти манфаатини кўзлаб қуролланмоғи, отга миниб можаролар кетидан эл-юрт кезмоғи, аламзада хўрланганлар тарафини олиб, ёмонларнинг таъзирини бермоғи, поймол бўган адолат, ҳаққониятни тикламоғи лозим. Қалбида кўрсатилажак жасорат ва қаҳрамонликлар орзуси жўш урган идальго ўз аҳди устидан чиқишга шошилди. У аввало ота-боболаридан қолган чордоқнинг бир четида кўп йиллар занглаб, чанг босиб ётган яроғ-аслаҳаларни топди, тозалади; уларни кўздан кечираркан, дубулғанинг қуббадор тепасигина қолганини кўриб ниҳоятда дили сиёҳ бўлди. Кам-кўстини тузатиш учун бор каш-фиётчилик истеъдодини ишга солди. Қартондан сипар билан қулоқчин ясаб, дубулғасига ёпиштирди. Оқибатда рostaкамга ўхшаган дубулға ясашга муваффақ бўлди. Энди дубулғасининг жангда бардош бера олиш-олмаслигини синаб кўргиси келиб қолди. Қиличини суғуриб, ҳавода ўйнатди-да, дубулғага икки марта туширди. Биринчи зарбадаёқ дубулға бўлак-бўлак бўлиб, қилган меҳнати чиппакка чиқди. Идальгонинг фиғони ошди. У яна ишга киришиб кетди, лекин бу гал, дубулға пишиқ бўлсин деб, картоннинг тагидан тунука қўйди. Бу эҳтиёткорлигидан кўнгли таскин топди, дубулғасини иккинчи марта синаб кўришини ортиқча деб билди. Энди сипари усталик билан ясалган ҳақиқий дубулғаси борлигидан кўнгли таскин топди.

Шундай кейин дон Кехана отхонага кириб, отини диққат билан кўздан кечирди. Бу от қариб қовурғалари саналиб қолган касалманд бир қирчанғи бўлиб, ростини айтганда сув ташишгагина ярарди, холос. Бироқ кабалеромиз отнинг кўринишидан мамнун бўлиб, менинг отимга на ҳазрати Исқандарнинг⁶ Буцефали, на Сайднинг учқур Бабьеки⁷ тенглаша олади, деган қарорга келди. Жангар отига жарангдор ва чиройли ном топмоқчи бўлди, зероки овлоқ бир қишлоқда яшовчи хўжайини ўзининг фақирона турмушини жаҳонгашта рицарнинг қайноқ фаолияти билан алмаштирар экан, унда оти ҳам ўзининг қишлоқча лақабини янги, шуҳратли ва дабдабали ном билан алмаштириши керак-да, деб ўйларди у. Ана шундай муносиб номни топишига тўрт кун кетди. Турли номларни ўйлаб чиқаравериб, уларни таққослаб, муҳокама қилиб, чамалаб кўравериб, роса боши қотди. Ниҳоят Росинант деган ном маъқул бўлди. Бу ном унга жарангдор ва баландпарвоз ном бўлиб туюлди. Бундан ташқари, ана шу ном отнинг аввал қандай аҳволда эканлигини ҳам англатарди. Чунки дон Кехана бу номни роцин

(қирчанғи) ва antes (собик) деган икки сўздан ясаган бўлиб «собик қирчанғи» маъносини англатарди.

У отимга яхши лақаб топганимдан кейин, энди ўзимга ҳам лойиқ ном топишим керак, деган қарорга келди. Ўзига муносиб бундай номни ўйлайвериб бир ҳафтани ўтказиб юборди, ниҳоят ҳаёлига ажойиб фикр келди: у ўзининг оддийгина Кехана номини хийлагина жарангдорроқ исм билан, яъни дон Кихот деб ўзгартиб қўя қолди. Лекин шу пайтда унинг ёдига бир нарса тушиб қолди: довюрак Амадис номим билан бирга ватанимнинг номи ҳам довруғ солсин деб, ҳамиша ўзини шунчаки Амадис эмас, балки галлиялик Амадис деб атаган. Дон Кихот ҳам ана шу ботир рицардан ўрнак олиб, бундан буён ўзини ламанчлик дон Кихот деб аташга қарор қилди. Энди ишлар жойида: унинг ким ва қаерлик эканини ҳамма дарҳол пайқаб ололади, энди унинг кўрсатган жасоратларидан она-Ватанининг шухрати ортади.

Ниҳоят, яроғ-аслаҳаси тозаланиб, дубулғаси билан сипари тузатилгач, қирчанғисига янги лақаб топиб, ўзи ҳам номини ўзгартиргач, энди ўзига маъшуқа излаб топишдан бошқа иши қолмади, зероки, ҳар қандай жаҳонгашта рицарь ҳам кўнглини банд этган маъшуқаси бўлмаса, у баргсиз ва мевасиз сўқир бир дарахтдай гап. Дон Кихот ўзига ўзи шундай деди: «Башарти тақдир тақозоси билан бирор девга рўпара келиб қолгудек бўлсам (жаҳонгашта рицарлар эса бундай ҳолларга кўп учрайдилар), дастлабки олишувдаёқ уни кўтариб ерга уриб, шафқат тилашга мажбур этсам, унда рицарлар қонунига кўра, мен уни маъшуқамнинг ҳузурига юборишим керак. Шунда у қалбим хоқони, нозанин маликанинг олдига киради-да, оёғига бош уриб, итоаткорона гап бошлайди: «Мен Малиндрания оролининг подшоҳи, Каракулямбро деган дев бўламан. Баҳодир рицарь ламанчлик дон Кихот мени жангда енгди. У сизнинг ҳузурингизга келиб меҳр-шафқат сўрашимни буюрди, менинг тақдирим сиз жаноб олияларининг хоҳишларига боғлиқ экан...» «О,— деб хитоб қилди идальго.— Албатта ўз маъшуқамга эга бўлишим керак: ёлғиз унинг ўзигина рицарнинг мардлигини муносиб қадрлайди. Шундайку-я, лекин маъшуқани қаердан топсам экан?» Дон Кихот шундай деди-ю хомуш ҳаёлга чўмди. Ногаҳон миясига ажойиб бир фикр келди. Қўшни қишлоқда яшайдиган Альдонса Лоренсо деган кўҳликкина деҳқон қизи эсига тушди. Рицаримиз маъшуқаликка шу қизни танлади. Уша қизга унинг асл исмидан унча фарқ қилмайдиган ва айни вақтда бирорта қиролича ёки машҳур сеньоранинг номини эслатадиган номни ўйларкан, уни Дульсинья Тобосская деб аташга аҳд қилди, чунки қиз тобосолик эди-да. Дон Кихотнинг назарида бу ном чиройли, оҳангдор ва, айни вақтда, йўлида жасорат кўрсатиши керак бўлган зотга мутлақо муносиб номдай туюлди.

ДОН КИХОТНИНГ БИРИНЧИ БОР ЎЗ МУЛКИ-ДАВЛАТИДАН
УЗОҚЛАШИБ САФАРГА ЧИҚҚАНИ

Ана шу тайёргарликлар кўриб бўлингач, дон Кихот ҳаялламай уйини тарк этиш ва рицарлик саргузаштларини излаб сафарга чиқишга аҳд қилди. Унинг назарида бундай ишда сусткашлик қилиш инсоният олдида зўр гуноҳ қилган билан тенг эди, ахир қанчадан-қанча ҳақоратланганлар интиқом олишга, қанчадан-қанча ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ҳимояга, қанчадан-қанча мазлумлар озодликка муҳтож! Ажойиб ёз кунларидан бирида у ҳали тонг отмай ўрнидан турди, яроғ-аслаҳаларини тақди, бошига пачоқ дубулгасини кийиб, кўк қулоқчинини тортиб боғлади. Росинантга ирғиб минди, қалқони ва найзасини қўлига олиб, зўр, шарафли ишга қадам қўйганидан хурсанд бўлиб, молхонанинг орқа эшигидан ҳеч кимга билдирмай далага чиқди. Лекин ҳали катта йўлга чиқмасдан хаёлига шундай даҳшатли фикр келдики, уйга қайтишга сал қолди. Дон Кихот кўкқисдан ўзига ҳали рицарлик унвони берилмаганини, бинобарин, рицарлик қонунларига мувофиқ рицарларнинг биронтаси билан ҳам жангга киролмаслигини ва бунга журъат эта олмаслигини эслаб қолди. Унга рицарлик унвони берилганда ҳам, рицарлик соҳасида ҳали янги эканлигини ҳамма дарҳол кўриши учун дастлаб оқ яроғ-аслаҳа тақиб юриши ва қалқонига белги қўймаслиги керак эди. Дон Кихот нима қилишини билмай, бир жойда хийла туриб қолди, лекин йўлга тушишга бўлган қайноқ иштиёқи унинг кўнглидаги барча шубҳалардан устун келди. У йўлида учраган биринчи рицардан ўзига рицарлик унвони беришини сўрашни кўнглига тугиб олди. Бетиним ўқийвериш оқибатида идальгомизнинг ана шундай аянчли аҳволга тушишига сабаб бўлган ўша романлар қаҳрамонларининг кўпчилиги ноиложликдан шундай қилган эдилар. Оқ яроғ-аслаҳаларига келганда, оқсувардан ҳам оппоқ қилиб бошлаб тўзалаб оламан деб сўз берди ўзига-ўзи. Шу гапларни хаёлидан ўтказаркан кўнгли тинчиди, отнинг юганини бўш қўйганча йўлда давом этди: унинг фикрича, жаҳонгашта рицарь сафарда ана шундай қилиши керак эди.

Росинант майда-майда қадам ташлаб сургалиб борар, демак, бизнинг кабалъеро ҳам хотиржам уйга чўмса бўларди.

— Жасоратларимнинг бўлажак тарихчиси дастлабки сафаримни ёзишга киришганида, — дерди дон Кихот ўз-ўзига, — у ўзининг қиссасини: зар кокилли Феб³ бекиёс гўзал заррин соч толаларини ер юзига эндигина ёйган, сайроқи қушлар бир хил наво билан эндигина жамол кўрсатиб келаётган Авворани олқишлай бошлаган субҳидамда машҳур рицарь ламанчлик дон Кихот ўзининг ажойиб оти Росинантга миниб қадимий Монтъел водийси бўйлаб йўлга тушди, — деб бошласа керак.

Сўнгра қўшиб қўйди:

— Ниҳоят, менинг шонли жасоратларим саҳифаларга битил-

ган рассомлар ижодида ўз аксини топган, мармарларда ифода-ланган аср асрлар ичида энг бахтиёри бўлади. О, менинг қаҳрамонлиқларимни битувчи солномачи, донишманд сеҳргар, ким бўлишингдан қатъи назар, сендан сўрайманки, олижаноб Росинантимни унутма.

Кейин дилини банд қилган маъшуқасини эслади:

— О, шайдо кўнглимнинг ҳоқони, дилрабо Дульсиня! Мени остонангиздан қувиб беқиёс чиройингиздан бебаҳра этдингиз, дийдорингизни кўрсатишга майлингиз йўқлигини билдириб, ўз шафқатсизлигингиз билан мени бағоят ранжитдингиз. Сизга бўлган муҳаббатим туфайли ҳар қандай жафою азоб-уқубатларга бардош беришга тайёр содиқ рицарингизни эслаб қўйсангиз бас, сеньора!

Ана шундай ҳасрат ва хаёллар оғушида хийла вақт ўтиб кетди. Дон Кихот чанг йўлдан аста борарди. Қуёш аллақачон тепага кўтарилганди, унинг қайноқ нури бечора рицарнинг бошида қолган озгина миясини ҳам эритиб юборгудек эди. У кун бўйи йўл босса ҳамки ҳеч қандай ғаройиб ҳодисани учратмади. Бу унинг фиғонини ошириб юборди, зотан у иложи борича бирон воқеа устидан тезроқ чиқишни ва забардаст билаклари кучини синаб кўришни истарди. Кечқурун унинг ўзи ҳам, қирчанғиси ҳам очликдан нақ ўлаёзди. Дон Кихот дам олиб қорин тўйғазиш мумкин бўладиган қалъа ёки чўпон капасини топиш умидида теварак-атрофга назар ташлади. Умиди пучга чиқмади: йўлдан сал четроқда қад кўтарган каровонсаройга кўзи тушди; рицаримиз Росинантнинг биқинига ниқтаб, қош қорая бошлаганда карвонсаройга кириб борди. Шунини унутмаслигимиз керакки, саргузашт изловчимизнинг тасавурида унинг атрофини ўраб олган ҳамма нарса аслича эмас, балки ўзи ўқиган сеvimли рицарлик романларида тасвирланганидек сеҳрли эди. Шунинг учун ҳам карвонсаройга кўзи тушиши билан, уни тўрт минорали, ноёб кумуш томли, кўтарма кўприкли ва теvarиги чуқур хандақли қалъа деб ўйлади. У ўз тасавуридаги ана шу қалъага яқинлашаркан, мана ҳозир қалъа минораларининг кунгуралари орасида бирорта пак-пакана одам пайдо бўлади-ю, карнай чалиб рицарнинг келганини маълум қилади, деб кутиб, дарвозага бир неча қадам қолганда Росинантни тўхтатди. Худди шу дақиқада аллақандай бир чўчқабоқар чўчқаларни бир жойга тўплаш учун бурғусини чалиб юборди, дон Кихот эса, пакана одам менинг келганимни хабар қиляпти деб ўйлади.

Дон Кихот қўлидаги найзаси билан меҳмонхона дарвозасини тақиллатди, буни эшитиб, ғоят семиз, семизлигидан жуда ювош кўринган хўжайин чиқиб келди. У ғалати қуролланиб олган бу аломат чавандозни кўриб, сал бўлмаса қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборай деди. Бироқ, яроғ-аслаҳаларни ҳарбийчасига тақиб олган дон Кихотнинг ҳайбатини кўраркан, кўнглида унга ҳурмат туғилиб, хушмуомалалик билан деди:

— Агар сиздай илтифотли жаноб, сеньор рицарь, бу ерда қўнишни лозим кўрсалар, қулай кўрпа-тўшакдан бошқа нимаики